



# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2009 йил 11 август ● сешанба ● № 34 (651) ● e-mail: info@press-iq.uz ● www.minjust.uz

«Мустақиллик биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир»

## Сайлов ва сайловчи

### Сайлов тизими: демократиянинг ёрқин ифодаси

**МУСТАҚИЛЛИК** йилларида сиёсий, давлат ва ҳуқуқ тизимларини босқичма-босқич модернизация қилиш натижасида мамлакатимизда энг юқори демократик талабларга жавоб берадиган сайлов тизимига асос солинди.

ЯҚИНДА Адлия вазирлигида "Сайлов тизими: демократиянинг ёрқин ифодаси" мавзусида учрашув-мулоқот ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Марказий Сайлов комиссиясининг котиби Ойбек Соатов "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Концепция"нинг мазмун-моҳияти, унда белгиланган муҳим вазифалар ҳақида батафсил сўзлаб берди. Таъкидландики,

сайлов қонунчилигининг такомиллаштириш жараёнида халқимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ҳам тобора ўсиб бормоқда. Бўлажак сайловларга тайёргарлик кўришнинг муҳим ва устувор йўналишларини аниқ белгилаб олиш ва сайловни юқори демократик асосларда ўтказишнинг таъминлаш мақсадида Марказий Сайлов комиссияси томонидан 2009 йил 12 майда "Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Концепция" қабул қилинди. Мазкур Концепциянинг асосий мақсади фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишлари учун барча шарт-шароитларни, яъни ташкилий,

## Мустақиллик

18 йил

ҳуқуқий, молиявий шароитларни кафолатли таъминлашга қаратилган. Унга мувофиқ сайловларда сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда фаол қатнашишини таъминлаш, сайловларни юқори демократик даражада ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий Сайлов комиссияси ва сайлов кампаниясининг бошқа ташкилотчилари аниқ асосий талаблар ва вазифалар доирасида иш олиб борадилар.

## Озод ва обод юрт тимсоллари



## МУРОЖААТЛАР «ИНСОН ВА ҚОНУН» ЭЪТИБОРИДА

Шахсий жавобгарлик таъкидланди

### Лавозимидан озод этилди

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси ТИФ Миллий банки томонидан фуқаролар Н.Сайдазимова ва Д.Косимовнинг шикоятни юзасидан ишчи гуруҳи тузилиб, текшириш ўтказилди.

МАЗКУР текшириш натижасида Уэмиллий-банкнинг Тошкент вилояти бўлими Тўйтепа филиали кредит бўлими бошлиғи Баҳром Тўрақулов меҳнат қонунчилигига мувофиқ эгалаб турган лавозимидан озод этилди.

Шунингдек, ажратилган кредитлар ва

кредит ҳужжатларининг расмийлаштирилган бўйича назорат олиб бориш юзасидан филиал бошқарувчиларининг шахсий жавобгарлиги таъкидланди.

**А.МИРСОАТОВ,**  
Уэмиллийбанк  
бошқарув раиси  
ўринбосари

### Айбланувчи шахс эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинди

АНДИЖОН вилояти прокуратураси томонидан Булоқбоши тумани, Ширмонбулоқ қишлоғи, Р.Ортиқов кўчаси 27-уйда яшовчи Ф.Мамажонованинг фуқаро М.Болтабоевнинг иккунун хатти-ҳаракатлари тўғрисида ёзган аризаси ўрганилди.

М.БОЛТАБОЕВнинг ахлоққа зид хатти-ҳаракатлари юзасидан Андижон шаҳар ИИБ ТБ томонидан 2009 йил 22 июнда Жиноят кодексининг 139-моддаси 3-қисми "г" банди билан жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилган.

2009 йил 3 июлда М.Болтабоев жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниб,

унга Жиноят кодексининг 118-моддаси 2-қисми "г" банди, 25-119-моддаси 2-қисми "г" банди билан айб ёшлон қилиниб, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинган.

Ҳозирда дастлабки тергов ҳаракатлари Андижон шаҳар ИИБ ТБ томонидан олиб борилмоқда.

**М.ЭГАМБЕРДИЕВ,**  
Андижон вилояти  
прокурорининг  
биринчи ўринбосари

### Қарор нусхасини топширса юз фоиз пенсия олади

ГУРЛАН тумани прокуратураси томонидан фуқаро Х.Човдирбаевнинг аризаси ўрганиб чиқилди.

ФУҚАРО Х.Човдирбаев ҳозирги кунда собиқ "Назокат — Муяссар" фермер хўжалиги раҳбари ҳисобланиб, "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуннинг 53-моддасига асосан, ишловчи-пенсиянер сифатида туман Ижтимоий таъминот бўлими ҳисобида турганлиги, пенсияни туман алоқа бўлими орқали тўлиқ миқдорда олиши учун туман ҳокимлиги ҳузурида

ташкил қилинган фермер хўжалиқларини тугатиш комиссиясининг собиқ "Назокат — Муяссар" фермер хўжалиги тугатилганлиги тўғрисидаги қарори нусхасини туман Ижтимоий таъминот бўлимига тақдим қилиши лозимлиги, шундан кейин фуқаро Х.Човдирбаевга тўлиқ нафақа пули тўланиши тушунтирилди.

**М.АЛЛАМУРАТОВ,**  
Гурлан тумани  
прокурори

## Биз ва дунё

ЯҚИНДА Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази ва бошқа идоралар ходимларидан иборат делегация бир қатор хорижий мамлакатларда хизмат сафарида бўлиб қайтди. Мазкур хизмат сафари ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори томонидан "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази фаолиятини такомиллаштириш" лойиҳаси доирасида ташкил этилди.


## Халқаро тажриба

юристар малакасини оширишнинг жаҳон мезонлари даражасига етишида муҳим омилдир

ДЕЛЕГАЦИЯ Словакия, Венгрия ва Швейцария давлатларида бўлиб, юристар малакасини оширишга ихтисослашган муассасаларнинг тажрибаси, мазкур давлатларнинг адлия, прокуратура, суд идоралари томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар, шунингдек, БМТнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро институтлари фаолияти билан яқиндан танишиб қайтди. Словакия Одил судлов академиясида бўлиб ўтган учрашувда мазкур

таълим муассасаси фаолиятининг муҳим йўналишлари ҳақида академия директори, доктор П.Хулла батафсил маълумот берди. Томонлар ўртасида келгусидаги ҳамкорлик масалалари, ўзaro тажриба алмашиш ва профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш имкониятлари атрофида муҳокама қилинди. Делегация аъзолари академияда аудиториялар ва тингловчилар учун яратилган бошқа шарт-шароитлар билан таништирилди.

## Хорижликлар ҳайрати



# Адлия вазирлиги ва Бош прокуратура: Меморандум ижроси амалда



## Сайлов тизими: демократиянинг ёрқин ифодаси

**(Давоми. Боши биринчи бетда)**  
— Ушбу Концепцияда белгиланган муҳим вазифалардан келиб чиқиб, бўлажак сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича фаолиятимизнинг устувор йўналишлари уч босқичда амалга оширилади, - деди О.Соатов. — Биринчиси, тайёргарлик жараёни босқичи, 2009 йилнинг май ойи ўрта-сидан сентябрь ойларига мулкдорларга ва сайлов кампаниясини ўтказишга тайёргарлик кўриш ишлари билан боғлиқ. Иккинчиси, асосий босқич бўлиб, бунда сайлов округлари ва участкалари чегаралари белгиланади ҳамда тегишли округ ва сайлов комиссияларининг таркиблари шакллантирилади, уларнинг фаолияти конун асосида ташкил этилади, қонунчиликда назарда тутилган қатор тадбирлар амалга оширилади.

Учинчиси, яқунловчи ва энг муҳим босқич саналиб, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар сайловдаги ташвиқотини олиб бориш тадбирлари, фаолияти қатъий конун талаблари асосида ташкил этилади.

Овоз беришнинг бориши

## Ҳеч кимнинг давлат ва халқ мулкига хиёнат қилишга ҳаққи йўқ

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ** прокуратураси органлари назорат фаолиятини амалга оширишда асосий эътиборни иқтисодий эркинлаштириш, аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилиш, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалиги, суд-ҳуқуқ соҳасида ислохотларни жаддалаштиришга доир қонунлар, Президент Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорлари бажарилишини таъминлашга қаратилган. Мазкур соҳаларда аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари прокурор назорати ҳужжатлари киритиш орқали мунтазам бартараф қилиниб, қонунийликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг жиддий чоралари кўрилади.

**АҲОЛИНИ** ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда иш билан таъминлаш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, бюджетга нақд пул тушумини яхшилаш ва шу каби муҳим соҳаларда қонунчиликни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар кўрилади.

Иқтисодий эркинлаштириш шароитида аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилинишига оид қонунлар ижросини текширишда пенсия ва нафақаларнинг тўри белгиланиши, ўз вақтида тўлиниши, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, аниқланган қонунбузилишлар шундан 541 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Жиддий қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 5 та жиноят иши кўзга тутилди, 55 миллион 36 минг сўмлик 164 та даъво судларга киритилди.

Давлат тижорат "Халқ банки" Мирзачўл филиалига қарашли 17-шоҳобчада ҳазиначи вазирида ишловчи М.Бекмирзаева



Вилоят прокуратураси бўлим прокурори Акбар Бердиев ёрдам сўраб келган фуқарони қабул қилаётган пайт. Фаллаорол тумани прокурори Шухрат Мустафоев ходимлар билан навбатдаги тезкор йиғилиш олди.

## Сайлов ва сайловчи

**САЙЛОВ** билан боғлиқ қонунчилик тизимини шакллантириш жараёнида умумэтироф этилган халқаро сайлов нормалари ҳамда Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўли эътиборга олинди.

## Қонунчилик соҳаси

**БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ** тақомиллаштирилмоқда

**МАМЛАКАТИМИЗДА** сайлов ва референдум тўғрисидаги қонунчилик босқичма-босқич тақомиллаштирилмоқдаки, бунга барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Фуқароларнинг сайловларда иштирок этиши билан боғлиқ талабларнинг ўзгарганлиги ҳам муҳим янгилардан бўлди. Бош Комиссиянинг 77-моддасига биноан, Қонунчилик палатасига ва Сенатга сайланиш ҳуқуқига қамда беш йил мамлакатимиз ҳудудида муқим яшаётган ҳамда 25 ёшга тўлган, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига эса — 21 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари эгадир.

Хотин-қизлар сони сиёсий партиялардан депутатликка кўрсатилган номзодлар умумий сонининг камида 30 фоизини ташкил этиши мажбурий норма сифатида қонунчиликка киритилди.

Сайлов тизимини ва сайлов тўғрисидаги қонунларни янада либераллаштириш мақсадида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида"ги Қонунга "Сиёсий партиянинг ваколатли вакили" деб номланган 171-модда киритилди. Унга қўра, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод кўрсатган сиёсий партия сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун Марказий сайлов комиссияси белгиланган тартибда ўз аъзолари орасидан ваколатли вакил тайинлашга ҳақли. Бундай норма "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонунга ҳам киритилди.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 27-моддасида сайловчиларнинг йиғилишлари участка сайлов комиссиялари томонидан ташкил этилади деган қоида янги тахрирда "Сайловчиларнинг йиғилишлари сиёсий партиялар томонидан мустақил равишда ўтказилади. Сайловчиларнинг йиғилишлари ўтказила-

## Таъмағирлик қимматга тушди

**АРНАСОЙ** туманидаги "Тошкент" маҳалласида яшовчи Б.Холиқов уй-жой қуриш учун расмийлаштириш олган ер майдонини туман бosh меъмори Ю.Худойқулов тегишли тартибда ажратиб бермаётганидан норози бўлиб туман прокуратурасига ариза ёзган эди.

РИЗА юзасидан ўтказилган текширишда, туман ҳокимининг 2008 йил 28 апрелдаги 183-сонли қарорига асосан "Ғолиблар" кўрғони ҳудудидан 600 кв. метр ер майдони яқна тартибда уй-жой қуриш учун ўтказилган аукцион орқали сотилганлиги аниқланди. Ушбу аукционда Б.Холиқовнинг ўли Шерзод Холиқов қатнашиб ер майдонини сотиб олган. У олди-сотида ҳақда имзоланган шартномада белгиланган тўловларни тўлимача тўлаб, аукцион ғолиби сифатида тегишли ер майдонига эга бўлган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси вилоят бўлимига қаратилган 2009 йил 30 январьдаги 01/04-139-сонли хати ва унга қилинган иловага мувофиқ Ш.Холиқовнинг яқна тартибда уй-жой қуриш учун аукцион ғолиби деб топилганлиги ҳамда туман бosh меъмори Ю.Худойқулов томонидан "Ғолиблар" кўрғони ҳудудидан тегишли ер майдони ажратилиши учун барча ҳужжатлар расмийлаштирилганлиги маълум бўлди.

Лекин туман бosh меъмори Ю.Худойқуловнинг хизмат вазирига ўта масъулиятлиги натижасида 2008 йилнинг 28 апрелидан текшириш қўнига қадар Ш.Холиқовга юқорида кўрсатилган ер майдони уй-жой қуриш учун ажратиб берилмаган. Ачирилди, ер эгаси дардини кимга айтишни билмай юрган.

Текшириш давомида туман бosh меъмори бўлиб ишлаб келган Юсуф Худойқулов фирмага қўрилган йўли билан бошқа бир фуқаро С.Мустақимовдан "Ер участкасини аукциондан ўтказиб бермаган", деб 2008 йилнинг сентябрь ойида 600 минг сўм пул олганлиги, бу хатти-ҳаракати билан фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига зарар етказганлиги маълум бўлди.

Текшириш натижасига қўра, нафақат Б.Холиқовнинг аризаси ижобий ҳал этилди, балки туман бosh меъмори Ю.Худойқуловга нисбатан жиноят иши ҳам қўзғатилди.

Дилшод БАЙНАЗАРОВ, Арнасой тумани прокурори

## Сув — бу ҳаёт

**"ҚИШЛОҚ** тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури ижроси Қарори юзасидан Фаллаорол туманида қўллаб ишлар қилинмоқда.

ЖУМЛАДАН, бюджет ва ҳомий ҳамда банк кредит маблағлари эвазига қишлоқ жойларида ободонлаштириш ишлари учун 21,8 миллиард сўмлик маблағ ажратилган. Жорий йилнинг 1-ярмида қишлоқ жойларида инфратузилмани ривожлантириш асосида турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида 45,2 минг кв. метр уй-жойлар қурилди. 22 км узунликдаги хўжаликларга йўллари таъмирлаш лойиҳалари ишлаб чиқилиб, 26 миллион сўм маблағ молиялаштирилди. "Иттифок" ҚФГА қарашли Шўрча қишлоғидаги 1,2 км, Рамазон қишлоғидаги 1,2 км, Аноий қишлоғидаги 1 км, Янгибўлоқ қишлоғидаги

1 км узунликдаги сув тармоқлари бюджет маблағлари ҳисобидан таъмирланди, Қоратош қишлоғидаги сув таъминоти фойдаланишга топширилиш арасида. Дастур ижроси юзасидан қишлоқда ишлаб чиқариш, хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантириш асосида аҳоли бандлигини ошириш мақсадида туманда 2631 та янги иш ўринлари яратилиб, 19 та маийий хизмат кўрсатиш объекти ишга туширилди. Аҳолининг тиббий маданияти ва таълим сифатини ошириш йўлида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Тумандаги 4 та қишлоқ врачлик пункти лабораториялари хоналари тўлиқ таъмирланиб, асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Маржонбўлоқ қишлоқ врачлик пунктига "Дамас" русумли тез ёрдам автомашинаси ажратилди. Туман марказида туғуруқхона комплекси қайта таъмирланиб, замонавий тиббиёт жиҳозлари билан таъминланди.

Вазирлар Маҳкамасининг "Қишлоқ аҳолиси яшаш жойларини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашнинг яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси таъминлашида, афсуски, бир қатор камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди.

Шунингдек, туман ҳудудида аҳолини сув билан таъминлаш мақсадида қишлоқ аҳоли пунктларига жами 274,6 км узунликдаги, марказ аҳолисига 99 км узунликдаги сув қувурлари ўтказилган бўлса-да, шундан қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатувчи 81,5 км қувурлар ҳозирда таъмирталаб ҳавола. "Маданият" қишлоқ фуқаролар йиғинида 19590 нафар аҳолидан 15419 нафари, яъни 78,7 фоиз ичимлик суви билан таъминланган, аммо 12,5 км узунликдаги сув қувурлари таъмирталаб ҳавола бўлганлиги сабабли, айрим аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлашда узилишлар бўлапти.

Ўтказилган мониторинг натижасига қўра, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида туман ҳокимлигига тақдимнома киритилди. Туман сув тармоқлари қорхонаси раҳбари А.Усмонов қонунбузилишга йўл қўймаслик ҳақида оғохлантирилди ҳамда 4 нафар назоратчига нисбатан интизомий жавобгарликка доир иш қўзғатилди.

Шухрат МУСТАФОЕВ, Фаллаорол тумани прокурори

## Ётоқхонадаги ичкилик

**ИККИ** кишининг умрига зомин бўлди

Ўзбекистон Республикаси Давлатидаги қишлоқ хўжалиги тармоқлари бўлиб, бир "бақалашка" спиртининг ётоқхона йўлакчасидаги столда унутиб қолдирилди. Бу "бебаҳо бойлик"ни Дилшод Исомудинов топиб олади. Бундан хабар толган улфатлар бир зумда йиғилиб, базму жамшиднинг бошлаб юборишлари. Спирт туғағач, улфатлар пул йиғиб яна базми давом эттиридилар. Маийшат тунги соат иккиларгача давом этди. Бу пайтда эса ҳамма ичкилик кучидан "шер"га айланиб бўлган.

— Мен сенга ўшаганларни бир тийинга олмайман, - деди ширақайф Шухрат Юсупов ўда-ғайла Бахриддин Уроқовга.

— Кимга гапирётганинги билсанми алқаш? - деди Бахриддиннинг асаби бузилди. — Мард бўлсан ташқарига чик. Улар "разбор"ни ётоқхона йўлакчасида давом эттиришди. Бахриддин Шухратни

йўлакда кутди. Ширақайф Шухрат унга яқинлашиби билан оқ қорнига кетма-кет тенди. Узини унлашга улгурмаган Шухрат юз тубан ерга йиқилди. Газаб отига минган Бахриддин рақибининг дуч келган жойига тепа бошлади. Ишни "битирган", чеккиси келиб ётоқхонанинг 4-каватига кўтарилди. Умида деган аёлдан сигарета сотиб олди. Ётоғига қайтиб келаётганда йўлакда кимдир, "Бахриддин ўроғинг" қўлибди. Совуқда ўлиб қолмасин, уйига кириштиб ташла" - деди.

Жанжаллашса ҳам улфатимизку, ҳаёлидан ўтказди Бахриддин. Сўнг минг бир азобда Шухратни Дилшод Исомудиновнинг хонасига судраб кирди. У аллақачон қалтак зарбидан жон таслим қилган. Лекин Бахриддин "дўсти"ни қўлиб бўлса керак, деб ўйлаганди.

— Нима учун Шухратни қалтакладинг, - деди Дилшод Исомудинов. — Билсанми, мен қанча "ўтириб" келганман. Хоҳласам сени беш дақиқада...

Бу гаплар ширақайф Бахриддинга ёқмади.

Дилшоднинг ҳам дуч келган, жойига тепа бошлади. Дилшод

унга қаршилик кўрсата олмасди. Чунки у ҳам оёқда тура олмайдиган даражада маст эди. Кўп ўтмай Дилшод ҳам жимиб қолди. Улфатларини роса қалтаклаб, зуморидан чиққан Бахриддин ўзининг хонасига кириб ухлади.

Эрта тонгда Бахриддин ётган хонанинг эшиги тақиллади. Бу Шухратнинг яқини Ҳолмат эди.

— Тоғам қани? - сўради у.

— Кечам соа "отибмиз, ҳаммаднинг" қўлибди, - деди Бахриддин.

— Тоғам тўйиб ичса бир кун ўзига келмайди, - деди Ҳолмат. Улар кўчага чиқиб кетишди.

Уша куни эрталаб қутилмаганда шаҳар ИИБ вакиллари ётоқхона ходимлари билан "Ешлик" маҳалла раиси И.Яхшиев паспорт тизимини текшириш учун ётоқхонани кўздан кечириётганда икита мурданнинг устидан чиқиб қолади. Теда тергов суриштирув ишлари бошлаб юборилди. Судда Бахриддин Уроқов қайфда, ўзи билмаган ҳолда қотиллик қилиб қўйганини тан олди. Суд унинг қўлимига яраша жазо тайинланди.

Раҳматилла МАМАРАСУЛОВ, Жиззах вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи



